НОШИР ЛЮКС
МАЖБУРИЙ НУСХА

Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@umail.uz

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 6-fevral, payshanba, 16 (23.296)-son

Кун ҳикмати

Аввал бурч ва кейин ҳуқуқимиз ҳақида ўйлашни ўрганайлик

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг иккинчи сессияси

МУАММОНИ ЯШИРИШ ТАРАҚҚИЁТГА ТУШОВ БЎЛАДИ

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг иккинчи сессиясида ана шундай хулосага келинди.

Сессияни вилоят ҳокими, Кенгаш раиси Э.Турдимов олиб борди.

Депутатлар дастлаб Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) минтақавий вакиллигининг 2019 йилда амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисоботини эшитди.

ОМБУДСМАНГА БАРЧА ШАРОИТ ЯРАТИБ БЕРИЛАДИ

- 2019 йил давомида Инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий вакилликка келиб тушган мурожаатларнинг аксарият қисми фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари, хусусан, пенсияларнинг нотўғри ҳисобланаётганлиги, коммунал хизматлар, бошқарув идоралари ходимларининг ўз вазифалари ижросидаги сусткашликка оид, - деди Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг минтақавий вакили Шаҳриёр Сафаров. – Умуман, 2019 йил давомида 47 та ёзма ва 56 та оғзаки мурожаат келиб тушди. Мурожаатларнинг 6 таси меҳнат қонунчилигининг бузилишига тегишли бўлса, 4 таси таълим, 12 таси ижтимоий ҳимоя, 10 таси фуқаролик ҳуқуқлари, 13 таси уй жой, 4 таси маҳаллий ҳокимият органлари қарорлари, 38 таси турли масалалар билан боғлиқ.

Бундан ташқари, йил давомида 47 фуқаро вакилликка телефон ва электрон почта орқали мурожаат қилиб, ўзларининг муаммолари ҳақида тегишли маслаҳатларни олди. "Ишонч телефони" орқали қабул қилинган 18 мурожаатга маслаҳатлар ва ҳуқуқий консультациялар берилди.

Муҳокамалар давомида Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг минтақавий вакилига маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан зарур иш шароитларини яратиш, техник ва бошқа воситалар билан таъминлаш бўйича таклифлар билдирилди.

"СНОС" МАСАЛАСИДА ҲЕЧ БИР ФУҚАРО НОРИЗО ҚИЛИНМАЙДИ

Вилоятда давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ўроқов ҳисобот берди.

Маърузачи ўз сўзида Самарқанд шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг навбатдаги Саммитини ўтказишга тайёргарлик кўриш, Самарқанд туристик мажмуасини ташкил этиш, Имом Бухорий мажмуаси атрофини ободонлаштириш, замонавий бино ва иншоотлар қуриш мақсадида жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган айрим объектлар бузилишга тушаётганлигини қайд этди.

Шунингдек, ҳудудларни ободонлаштириш, архитектура қиёфасини ўзгартириш ҳамда яхшилашга қаратилган давлат дастурларини амалга ошириш жараёнида жисмоний ва юридик шахсларнинг турар ва нотурар объектларини давлат ва жамият эҳтиёжлари учун 2019 йилда ва 2020 йилнинг январь ойида олиб қўйилган ер участкалари ҳамда унда жойлашган турар ва нотурар объектлар бўйича мулкдорларга компенсация тўловлари мулкнинг бозор қиймати ва мулкдорнинг розилиги асосида амалга оширилган.

- Ўтган йили амалиётда биринчи марта мулкдорларга тегишли ҳовли ёки ер майдонидаги дов-дарахтларни кесишдан олдин уларни ҳам нархлаб, муайян миқдорда тўловлар амалга оширилди, - деди Ж.Ўроқов. – Шу ўринда яна бир маълумот, ўтган йилда олдинги йилларда давлат ва жамият эҳтиёжлари учун бузилган ва тегишли тўловлар амалга оширилмаган мулкдорларга 7 миллиард сўмга яқин маблағлар тўлаб берилди.

ДАБДАБАЛИ ТЎЙЛАР БАРЧАНИ БЕЗОР ҚИЛМАДИМИ?

Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш нафақат депутатлар, балки сессия иштирокчилари томонидан ҳам турли фикрлар билдирилди.

Масала юзасидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Бадриддин Насриев ахборот берди.

Таҳлилларга кўра, жорий йилнинг 1 январидан 1 февралига қадар вилоятда 355 та тўй ўтказилган. Шундан 347 таси ресторанларда, 8 таси хонадонларда ташкил қилинган. Аммо бу тадбирларнинг айримлари парламент палаталарининг қўшма қарорида белгиланган талаблар асосида ташкил этилмаган.

- Вилоятда жами 600 дан зиёд тўй ва ҳашамларни ўтказувчи санъаткорлар, овоз кучайтиргич ускуналари билан хизмат кўрсатувчилар ва рақкосалардан 254 таси ёки 42 фоизининг лицензияси бор, - деди депутат З.Бердиева. – Кузатишларимга кўра, бошқа вилоятларда тўйда рақкосалар хизматидан деярли фойдаланилмайди. Назаримда, бизда ҳам шундай тартибни кенг тарғиб қилиш, кайвонилар орқали унга амал қилиш чораларини кўришимиз керак.

- Тўй-маъракаларимиздаги энг катта муаммо бу дабдаба, кимўзарга ташкиллаштириш билан боғлиқ, - деди Кенгаш раиси Э.Турдимов. – Бу пули бор, ўзига тўқ одамга билинмаслиги мумкин, лекин топиш-тутиши ҳаминқадар одам учун бу оғирлик қилади. Шунинг учун масъул вазифа эгалари, шу жумладан, депутатлар ўзлари намуна бўлиши керак.

Муҳокамаларда тўйларда шовқин-суронни камайтириш, автокарвонларни жиддий назоратга олиш, тўй ва маъракa маросимларида озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ турли фикрлар билдирилди. Шунингдек, ушбу масалага бефарқ бўлаётган мансабдорларга нисбатан кескин чоралар кўришга қарор қилинди.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИМИЗ ҚАЧОН ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДА ЎЗ ЎРНИГА ЭГА БЎЛАДИ?

Ушбу савол сессия давомида энг кўп вақт муҳокама қилиниб, ўз навбатида турли фикрларга бой бўлди. Негаки, бу масала бўйича ҳар бир олий ўқув юрти ректори мавжуд салоҳият, шароит ва муаммолар ҳақида баён қилишди. Ўз навбатида истиқболдаги режалар, шу жумладан давлатимиз раҳбари томонидан олий таълим тизимида сифат ва салмоқни ошириш борасида берилган топшириқлар ижроси юзасидан тақдимот ўтказишди.

Қайд этилганидек, Самарқанддаги олий ўқув юртлари катта илмий салоҳиятга эга. Улар вақтида нафақат Ўзбекистон, балки қўшни республикаларга ҳам малакали кадрлар тайёрлаб берган. Бироқ кейинги 30-40 йилда иш янгича ташкил этилмаганлиги ва бошқа бир қатор омиллар сабаб университет ва институтларимиз тайёрлаётган кадрлар савияси пасайиб кетди. Мавжуд илмий-техник база ва шароитлар замон талабларидан орқада қолган.

Шу боис ректорларнинг олий таълим муассасаларида 2019 йилда амалга оширилган ишлар ва 2020 йилдаги устувор вазифалар тўғрисидаги ҳисоботлари салбий баҳоланди. Муҳокамалар якунида олий ўқув юртларида ўқув-илмий фаолиятни замон талабларига мослаштириш бўйича тайёрланган "йўл хариталари" ҳали мукаммал эмаслиги таъкидланди. «Йўл харита»ларини жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда янада такомиллаштириш тавсия этилди.

Мазкур масала муҳокамаси чоғида Республика Олий таълим кенгаши раиси Ў.Умурзоқов ҳам ўз фикрларини билдирди.

ДЕПУТАТ КУЗАТУВЧИ БЎЛИБ ҚОЛМАЙДИ

Сессияда халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва доимий комиссияларининг 2020 йилга мўлжалланган иш режалари тасдиқланди. Вилоят маҳаллий бюджетининг 2020 йил 1 январь ҳолатига шаклланган эркин қолдиқ маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Шунингдек, депутатлар Самарқанд вилоятидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси томонидан 2019 йил давомида амалга оширилган ишлар ва қабулхоналарга келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқилишини ҳам муҳокама қилишди.

- Депутат шунчаки кузатувчи бўлиб қолмаслиги керак, - деди Кенгаш раиси Э.Турдимов. – Бугунги кўриб чиқилган масалалар, умуман, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ барча жабҳаларда фаол иштирокчи бўлиши зарур. У ўз навбатида унга ишонч билдирган сайловчиларга, кенг жамоатчилик олдида ҳисоб бериши керак.

Қўшработлик катта лейтенант Соҳиб Йўлдошев профилактика инспектори вазифасида фаолият юритаётганига 4 йил бўлган бўлса, 2018 йилдан буён туманнинг Жўшота маҳалласидаги 525-сонли таянч пункти-да аҳолининг осойишталигини таъминлашга, жиноятчиликнинг олдини олишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. У хизмат қилаётган ҳудудда 2019 йил давомида бирорта жиноят содир этилмаган. Шунинг учун ҳам мазкур таянч пункти вилоятда энг намунали, деб топилди.

Жўшдаги 525-сонли таянч пункти

вилоятда энг намунали

Самарқанд шаҳридаги ёшлар марказида ўтказилган «Ички ишлар органларининг намунали таянч пункти» кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросимида Соҳиб Йўлдошевга биринчи даражали диплом ва 11 миллион 150 минг сўм миқдоридаги пул мукофоти топширилди.

- Ўтган йили "Обод қишлоқ" дастурида белгиланган улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишлари доирасида янги маҳалла маркази биноси бунёд этилди, - дейди С.Йўлдошев. – Ҳар томонлама қулайликларга эга таянч пунктимиз ҳам шу ерда жойлашган. Хизмат уйига эгаман, автомашинам бор. Биз, профилактика инспекторларига яратиб берилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, зиммамиздаги вазифани сидқидилдан бажаришимиз керак.

Жомбой тумани Зарафшон маҳалласида жойлашган 134-сонли таянч пункти 2-ўринни, Нуробод тумани Гирдиқўрғон маҳалласидаги 257-сонли таянч пункти эса 3-ўринни эгаллаганлиги маълум қилинди.

Тадбирда вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов иштирок этиб, ҳудудларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг самараларига тўхталди.

Таъкидландики, профилакатика инспекторларини маҳалла аҳолиси билан яқинлаштириш, ҳудудда турли кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида вилоятда профилактика инспекторлари 553 нафардан 655 нафарга етди, таянч пунктлари эса илгари 404 та бўлгани ҳолда айни пайтда 527 тани ташкил этмоқда. Профилактика инспекторлари учун барча маҳаллаларда хизмат уйлари қурилган. Шунингдек, инспекторлар имтиёзли кредит асосида шахсий автомобиль билан таъминланган.

Бундай эътибор ва яратилган имкониятлар туфайли 2019 йилда вилоятдаги 1095 маҳалланинг 317 тасида умуман жиноят содир этилмади.

Тадбирда қўшимча номинациялар бўйича ҳам ғолиблар тақдирланди.

Тўлқин СИДДИҚОВ,
Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).

Евроосиё иқтисодий иттифоқи: ФОЙДА ва ЗАРАРЛАРИ нимада?

2-саҳифа »»

Симларга уянган имёғоч

Таҳририятимизга Жомбой тумани Бешбола маҳалласи Мингбулоқ қишлоғида яшовчи фуқаролардан шикоят хати келди. Унда шундай ёзилади:

"2019 йилда маҳалламизда "Обод қишлоқ" дастури асосида ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Маҳалла маркази Бешбола қишлоғидаги ўзгаришлар кўзни қувонтиради. Аммо бу маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли 7 та қишлоқ мавжуд бўлиб, улардан бири биз яшайдиган Мингбулоқдир. Бу қишлоқ пайдо бўлгандан бери ички кўчалари ёзда чанг, қиш ва баҳор ойларида лой. Ачинарлиси, қишлоқда 20-22 хўжалик яшаган пайтларда, яъни ўтган асрнинг 70-йилларида ўрнатилган симёғочлар "умр"ини ўтаб бўлган, симларга суяниб турибди. Бу эса инсон ҳаёти учун хавфли. Қишлоқда борган сари уйлар кўпайди. Ҳозирда Мингбулоқда оилалар сони 76 тага етган. Электр сими тортилган устунларнинг аксарияти қўлбола симёғочлардир".

Шикоят хатини ўрганиш мақсадида Жомбойда бўлдик. Туман ҳокимлиги вакиллари ҳамроҳлигида Мингбулоқ қишлоғига бордик. Бу ерда бизни қишлоқ фаолларидан бири Қувондиқ Ҳамзаев бошчилигида шикоят хати йўллаган бир гуруҳ фуқаролар қарши олди.

- Бизни қийнаб келаётган муаммолар билан бир неча марта туман ҳокимлигига мурожаат қилдик, - дейди Қ.Ҳамзаев. - Уларнинг айтишича, қишлоғимиз на "Обод қишлоқ" дастурига тушган, на бошқа. Биз кўчаларимизга асфальт ётқизилишини орзу ҳам қилмаяпмиз айни дамда, ҳеч бўлмаса 500 метрча йўлимизга қум-шағал тўшаб берилса, мактабга қатнайдиган фарзандларимиз лойга ботиб юрмасмиди!? Ачинарлиси, қабристон ҳам шу лой кўча бўйида жойлашган. Яна бир масалада, яъни электр симлари тортилган тармоқларнинг хавфсизлигини таъминлашда ёрдамга муҳтожмиз. Қишлоқда оқсоқол сифатида ўзим бош бўлиб, қўлимиздан келадиган бошқа - ҳашар йўли билан қилинадиган ишларни бажариб келяпмиз. Фақат шу икки масалада ожизлик қиляпмиз.

3-саҳифа »»

ҚОҒОЗни яхши кўраман

(фельетон ўрнида)

Кимга қандай, билмадиму шахсан менга интернет дегани ёқмаяпти. Аввал яхши эди, аммо кейинги пайтда ҳамма нарса шу матоҳга ўтиб кетаётгани асабимни бузяпти.

Ўтган йил янги келган раҳбаримиз энди юқори идораларга ҳам, қуйи тизимга ҳам ҳужжатларни электрон шаклда юборамиз, шу тарзда қабул қиламиз, қоғоздан фойдаланмаймиз, деганди.

Бу гапларни аввалги бошлиқлардан ҳам эшитганимиз учун унчалик эътибор қилмагандим. Ҳа, энди янги раҳбар, янгича ишлаймиз, деб айтди-қўйди-да, дея ўйлагандим.

Йўқ, адашган эканман. Тез орада янги тизим ишга тушиб, ҳужжатлар электрон шаклда айлана бошлади. Ўрганиш қийин бўлди-ю, аммо уддаласа бўлар экан.

Бир ҳисобдан шуям яхши бўлди. Илгари баъзида икки кунда бир "пачка" қоғоз кетиб қоларди. "Завхоз"дан кунора қоғоз сўраб, юзимнинг сувини оқизганим билан барибир бермасди. "Ойлик лимитингиз тугаган, укажон", деб кўзимга қараб без бўлиб тураверади.

Кейин начора, эшигимизни қоқиб, хизмат борми, дея қўлини кўксига қўйиб турадиган кишиларга, "боринг бир пачка снегурочка олиб келинг", дейишга мажбур бўлардик-да. Ёки айрим кишиларга "ўтказиб қўйган" бўлсак, битта телефон қилиб айтсак, шес секундда ёнига бошқа нарсалар ҳам қўшиб олиб келишарди.

Энди бунақа гаплар йўқ. Лекин ҳисобот кўтариб келиб, эшик олдида имомизга маҳтал бўлиб, кутиб турадиганлар ҳам қолмаган-да. Шуниси бироз алам қилади. Кимга топшириқ берсангиз ёки ҳужжат жўнатсангиз, интернетдан жавоб ёзади. Ҳой, барака топкур, шу ёзганингни икки вараққина қоғозга чиқариб, ҳузуримизга келмайсанми. Биз хатни ўқиб, бир-иккита жойини тузатган, ўчирган, сўз қўшган киши бўлиб, "Сизга бир соат муҳлат, бошқатдан чиқариб келинг", демаймизми?

4-саҳифа »»

ИҚТИСОДИЙ ШАРҲ

Евроосиё иқтисодий иттифоқи: ФОЙДА ва ЗАРАРЛАРИ нимада?

Шу кунларда энг кўп муҳокама этилаётган масалалардан бири - Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо бўлиш ёки бўлмаслиги ҳақида бўлмоқда. Президентимиз парламентга Мурожаатномасида ҳам бу мавзуга тўхталиб, "Биз Евроосиё иттифоқи билан ҳамкорлик масаласида аввало халқимиз манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг хоҳиш-иродасига таянамиз. Депутат ва сенаторлар ушбу масалани атрофлича муҳокама этиб, масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда, асослантирилган фикрларини билдириши керак. Чунки улар халқ номидан гапиради", деди ва биз бу ташкилотга кузатувчи сифатида киришимизни билдирди. Бир гуруҳ иқтисодий экспертлар эса Ўзбекистон ЕОИИга кирадиган бўлса, ўз қоидаларини иттифоқ стандартлари билан мувофиқлаштириши ортидан катта имкониятларга эга бўлишини таъкидламоқда. Чунки Сингапур ва Эрон каби катта салоҳиятга эга давлатлар интилаётган бу иттифоқ сиёсий эмас, балки иқтисодий уюшма эканлигига урғу беришмоқда.

Евроосиё иқтисодий ҳамкорлиги ташкилоти негизида 2010 йилда Божхона иттифоқи ташкил этилди ва унга Россия, Қозоғистон, Беларусь давлатлари аъзо бўлди. Божхона иттифоқининг номи 2015 йил 1 январдан бошлаб Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) деб ўзгартирилган. Уни ташкил этиш ҳақидаги шартномани 2014 йилнинг 29 май куни Россия, Қозоғистон ва Беларусь имзолаганди. Шартномага мувофиқ иттифоқ ҳудудида товарлар, хизматлар ва ишчи кучининг эркин ҳаракати таъминланади, иқтисодиёт соҳасида келишилган ёки ягона сиёсат юритилади. 184 миллион аҳолига эга бўлган бу йирик бозор ўз фаолиятини 2015 йил 1 январида бошлаган ва ҳозирда Евроосиё иқтисодий иттифоқига Беларусь, Россия ва Қозоғистондан ташқари Қирғизистон ва Арманистон аъзо бўлган.

Айни пайтда ЕОИИ жойлашган ҳудуд майдони жиҳатидан дунёда биринчи ўринда бўлса, аҳоли сони бўйича 8 ва ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми бўйича 10-ўринда қайд этилмоқда. Халқаро валюта фонди маълумотларига таянадиган бўлсак, бу иттифоқ жаҳон ЯИМнинг 3,63 фоизини яратмоқда. Бу кўрсаткичнинг шаклланишида Россия 85 фоиз ва Қозоғистон 10 фоиздан ортиқ улушга эга. Таъкидлаш керакки, Ўзбекистоннинг жаҳон ЯИМдаги улуши 0,19 фоиз бўлса, Арманистон, Беларусь ва Қирғизистоннинг биргаликдаги жаҳон ЯИМидаги улуши 0,18 фоизни ташкил этмоқда.

Хўш, Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо бўлишининг қандай ижобий ва салбий томонлари бор. Қуйида олимлар ва экспертларнинг хулосаларини ҳавола этамиз.

Мамаюнус ПАРДАЕВ,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори:

ЕОИИ БИЗГА НИМА БЕРАДИ?

- Евроосиё иқтисодий иттифоқи иккита қитъадаги бешта давлатни бирлаштирган халқаро иқтисодий тузилма. Бешта давлат аъзолигидаги бу ташкилотда ҳозирча ягона бўлган Молдова кузатувчи мамлакат сифатида иштирок этмоқда. Қатор давлатлар, хусусан, Вьетнам, Эрон, Сингапур, Сербия ЕОИИ билан эркин савдо зонаси сифатида шерикчилик қилмоқда.

ЕОИИ ташкил қилишдан мақсад, ҳар тарафлама модернизация ва кооперация қилиш орқали аъзо давлатлар миллий иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатини кўтариш учун барча шароитларни яратиш, товар-хизматлар, капитал ва ишчи кучининг эркин ҳаракатланишини таъминлаш. Шунингдек, иқтисодиёт соҳаларида мувофиқлаштирилган ягона иқтисодий сиёсатни амалга ошириш кўзда тутилган. ЕОИИнинг фаолият йўналишлари бевосита ҳариф ва нотариф чоралар бўйича ягона сиёсат юритиш, ягона техник регламентлар ва стандартларга амал қилиш, санитария-карантин, фитосанитария ва ветеринария назорати бўйича ягона сиёсат олиб боришдан иборат. Мазкур иттифоқнинг мақсади ва фаолият йўналишлари бўйича хулоса қиладиган бўлсак, ушбу ташкилотдан нафақат давлат, балки шу давлатдаги аҳоли ҳам жуда катта манфаат кўради.

Бу масалада ижтимоий тармоқларда таҳлилчиларнинг фикрлари турлича бўлмоқда. Улар асосан Ўзбекистон ЕОИИга кирса нима бўлади, ютадими ёки ютқазадими, деган саволга жавоб ахтармоқда. Мен эса масаланинг иқтисодий жиҳатларига эътибор қаратмоқчиман.

Биз ҳозир 2 миллиард долларлик мева-сабзавот маҳсулотларимизни қайта ишлаш бўйича катта жараённи бошлаганмиз. Бошқа соҳаларда ҳам экспортга мўлжалланган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқмоқдамиз. Бунга эса катта бозор керак. Яқин қўшни давлатларимиз биз учун очиқ бозор, агар бунга маълум чекловлар қўйилса бозоримизнинг чегараси торайиб қолиши эвазига бироз қийналамиз. Биз маҳсулотимизни ривожланган мамлакатларга, хусусан, Европа давлатларига сотишимиз ҳам мумкин. Аммо уларга сотиш учун Евростандарт талабига жавоб берадиган маҳсулот тайёрлашимиз лозим. Ишлаб чиқараётган ҳамма маҳсулотимиз ҳам, технологияларимиз ҳам юқори талабга жавоб бермайди. Чунки хориждан олиб келиб ўрнатаётган техника ва технологиялар ҳам қайсидир мамлакатлар учун кечаги тарих бўлиб қолмоқда. Дунё миқёсида техниканинг модернизация жараёни кескинлашган паллада яшамоқдамиз.

Ўзбекистон ЕОИИга қўшилса, қўшни давлатлардан келадиган истеъмол моллари нархининг маълум даражада арзонлашиши, бозорларимизнинг эркинлашуви бирданига кўзга ташланади. Жумладан, Ўзбекистонда ҳозирги кунда енгил автомобиллар учун божхона импорт тўловларининг ўртача ставкаси 70 фоиздан 120 фоизгача белгиланган. ЕОИИда эса бу кўрсаткич 20 фоиз. Худди шундай ҳолатни қишлоқ хўжалиги техникаларида ҳам кўришимиз мумкин. Ҳозир бизда бундай техникалар учун божхона импорт тўловининг ўртача ставкаси 20,5 фоизни ташкил қилади, ЕОИИда эса атиги 5 фоизга тенг. Автобуслар бўйича ҳам мос равишда, 33 фоиз ва 11,6 фоиз. Юк автотранспорти бўйича бизда 57,6 фоиз бўлса, ЕОИИда 10,8 фоизга тенг. Агар биз ЕОИИга қўшиладиган бўлсак, божхона импорт тўловларининг камлиги эвазига енгил автомобиллар ва бошқа транспорт воситалари анча арзонлашади. Бу соҳада давлатимиз зарар кўради, аммо жамият ютади. Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ЕОИИ давлатлари орасида импорт тўлови мавжуд эмаслиги, божхона назоратининг бекор қилингани бошқа давлатлар орасида импорт тўловининг, шу жумладан, акциз солиғининг кескин пасайиши рўй беради. Энг муҳими халқимиз учун қўшни давлатлардан келадиган асосий истеъмол моллари арзонлашади, бож тўлови бўлмайди. Бундан ташқари, Ўзбекистон товарларини экспорт қилиш осонлашади, транспорт тўловлари камаяди, меҳнат бозори барқарорлашади. Рақобатнинг ортиши натижасида товар ва хизматлар сифати яхшиланади, маҳаллий ва импорт товарлар нархининг пасайиши рўй беради, ишчи кучи самарали тақсимланади. Бунда Қозоғистон ва Россияда ишлаш муаммолари ечилади.

Мамлакатимизда маиший техника воситалари ишлаб чиқаришда бож тўловининг ўртача ставкаси 10 фоизни ташкил қилади, бу кўрсаткич ЕОИИда 0 фоизга тенг. Учинчи мамлакатдан олиб кирадиган маиший техника воситаларига бериладиган божхона тўлови Ўзбекистонда 20 фоиз, ЕОИИда 10 фоизга тенг бўлади. Мазкур ҳолат бизнес учун ҳам, жамият учун ҳам фойдали.

Агар биз ЕОИИга кирадиган бўлсак, мамлакатимизда ривожланган ва истиқболда янада ривожланиши кутилаётган тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати бўйича ҳам бир қанча ўзгаришларга гувоҳ бўламиз. Ушбу маҳсулот бўйича ички бозоримиз эҳтиёжи 2,7 миллиард долларни ташкил қилади. Биз эса 2018 йилда ишлаб чиқариш ҳажмини 4 миллиард долларга етказдик. Шундан экспорт ҳажми 1,6 миллиард долларни ташкил қилди. Мазкур экспортнинг 43,4 фоизи ёки 693,8 миллион доллари ЕОИИ мамлакатларига жўнатилган. Ушбу маҳсулотнинг импорти атиги 0,3 миллиард долларни ташкил қилди. Бу масала бўйича ҳам мамлакатимиз ЕОИИ мамлакатлари билан узвий боғлиқликда.

Худди шундай ҳолатни озиқ-овқат саноати бўйича ҳам кўришимиз мумкин. Мамлакатимизнинг ички бозори учун 2018 йилда 7,6 миллион тонна буғдой (897 миллион доллар), 2,5 миллион тонна ун (406 миллион доллар), 280 минг тонна ўсимлик ёғи (257 миллион доллар), 1 миллион тонна шакар (504,6 миллион доллар) талаб қилинади. Ушбу эҳтиёжни ўзимиз қоплай оламиз ва айримларини экспорт ҳам қиламиз. Лекин бу маҳсулотлар ЕОИИ мамлакатларида ортиғи билан етиштирилади. Масалан, буғдой ишлаб чиқариш 90 миллион тоннани ташкил қилади, ички истеъмол учун 40 миллион тонна етарли. Буғдойнинг 50 миллион тоннаси ортиқча. Ун ишлаб чиқариш 14,3 миллион тонна, ички истеъмол учун 12 миллион тонна етарли, 2,3 миллион тонна ун ортиқча. Ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш 6559,4 минг тонна, ички истеъмол учун 4657,5 минг тонна етарли. Ортиқчаси 1901,9 миллион тоннага тенг. Шакар ишлаб чиқариш ҳажми 7,3 миллион тоннага тенг. Буларнинг ҳаммаси ички истеъмолга кетади.

Агар Ўзбекистон ЕОИИга аъзо бўладиган бўлса, бизнес учун рақобат кучаяди ва бу шароитда ишлаб чиқариш самарадорлиги ошади, хомашё базасининг кенгайиши натижасида корхоналар тўлиқ қувват билан ишлайди, биз учун муҳим бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ортиши рўй беради. Бу ҳолатда жамиятимиз учун ҳам катта манфаат бўлади. Бунда ун импорти кўпаяди, натижада мамлакат ичида ун маҳсулоти сифати ошади, нархи пасаяди. Озиқ-овқат маҳсулотлари (ун, ўсимлик ёғи, шакар) нархлари ЕОИИга аъзо давлатлар нархларига яқинлашиши эвазига пасайиши рўй беради. Бу аҳолининг турмуш фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатининг ошишига олиб келади.

Евроосиё иқтисодий иттифоқининг низоми ва мақсадларига қарасангиз, соф иқтисодий блок бўлиб кўзга ташланади. Агар ушбу иттифоқнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда аъзо давлатлар ўртасидаги иқтисодий тўсиқлар олиб ташланса, савдо ва бошқа иқтисодий муносабатлар эркин ривожлантирилса, шу давлатлар ўртасидаги божхона ва тарифлар мувофиқлаштирилса, унга аъзо ҳар бир давлат, хусусан, Ўзбекистон ҳам ютади.



Айрим таҳлилчилар ЕОИИга қўшилсак қарамликка юз тутамиз, деган фикрда. Аммо бундай эмас. Масаланинг нозик томони шундаки, ЕОИИ давлатлари биз билан иқтисодий ҳамкор, чегарадош давлатлар. Агар иттифоққа кирмаган давлатлар билан иқтисодий муносабатлар чеклаб қўйиладиган бўлса, бизнинг бозоримиз "ёпилиб" қолиши мумкин.

Аммо таҳлилчиларнинг бу ҳолатга хавотири ҳам йўқ эмас. Кўплари бу иттифоққа қўшилгандан кейин мақсадга ҳамиша ҳам амал қилавермайди, дейишмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, агар Ўзбекистон ЕОИИга аъзо бўлиб, иқтисодий иттифоққа кирган давлатлар билан муносабатда шу ташкилот низоми асосида белгиланган мақсадга мувофиқ фаолият кўрсатса яхши. Аммо бошқа давлатлар билан муносабатда шу ташкилотнинг розилигини олиш лозим бўлса, бунинг оқибати яхшиликка олиб келмайди. Чунки ҳозир интеграция жараёни давлатлар ўртасида кескин ривожланиб бормоқда. Бундай шароитда ҳар бир давлат эркин бўлмаса фаолияти чегараланиб, чекланиб қолади. Шу туфайли, ушбу иттифоққа қўшилишга шошилмаслик лозим. Президентимиз таъкидлаганидек, маълум муддатда ушбу иттифоққа кузатувчи сифатида киришимиз мақсадга мувофиқ. Чунки кузатувчи бўлиш ҳали аъзо дегани эмас.

Илҳом ВАФОЕВ,
иқтисодий шарҳловчи:

ИТТИФОҚДА ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛ ҚАНДАЙ?

- Президентимизнинг Россия Федерациясига амалга оширилиши режалаштирилган ташрифи яқинлашиши билан дунё жамоатчилигини Ўзбекистонни ЕОИИдек интеграцион тузилма билан келажакда қай тарзда ҳамкорлик қилиши қизиқтирмоқда. Қолаверса, Президентимиз ҳам парламентга йўллаган Мурожаатномасида бу борада ўз фикрларини билдириб ўтди.

ЕОИИдек интеграцион бирлашмани тузишдан мақсад товарлар, капитал ва ишчи кучининг ягона бозорини ташкил этиш, иттифоқ аъзоларининг ишлаб чиқариш салоҳиятини тенг ҳамкорликни йўлга қўйиш йўли билан рўёбга чиқаришдир. Кўриниб турибдики, ЕОИИ аъзолари бир-биридан катта фарқ қиладиган иқтисодий салоҳиятга эга давлатлар. Бу беш мамлакатни боғлаб турган омил - уларнинг ҳарбий нуқтаи назардан ҳамкорлиги.

Хўш, Иттифоқ ягона тизим сифатида ёки унинг ҳар бир аъзоси интеграцион алоқаларни ривожлантириб, қандай натижаларга эришмоқда?

Россия 2014 йилдан буён Ғарбнинг санкциялари қуршовида. Шу сабабдан улкан ишлаб чиқариш имкониятларига эга мамлакатнинг ривожланиш даражаси қўнгилдагидек эмас. Ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиши 2 фоиздан паст. Беларусь давлати билан Россия Федерацияси ўртасида ягона мамлакат тузиш тўғрисида битим тузилган, аммо мамлакатлар ўртасида катта тафовут юзага келганлиги туфайли ушбу битимни кўзланган даражага етказиш чўзилиб кетмоқда. Беларусь давлати Россиядан нефть ва табиий газни имтиёзли нархда сотиб олиб, уни қайта ишлаб фойда олади. Россия эса имтиёзли нархни аста-секинлик билан кўтара бошлагани сари мамлакатлар ўртасида турли низолар чиқмоқда. Натижада Беларусь бошқа иттифоқдош мамлакатлар билан маслаҳатлашмасдан, мустақил тарзда Украина, Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ҳамкорликни кучайтира бошлади.

Аслида ушбу иттифоқ тузилишининг асосий ташаббускори Қозоғистоннинг биринчи Президенти Нурсултон Назарбаев ҳисобланади ва иттифоқ аъзоларидан энг юқори натижага эришган мамлакат ҳам айнан Қозоғистон. Унинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми 10 минг долларга яқинлашди ва бу Россиядан ҳам юқорироқ кўрсаткич. Иттифоққа аъзоликнинг афзаллиги шундаки, Қозоғистоннинг иқтисодий ўсиш суръати кучайиб, босқичма-босқич ўзининг ташқи қарзини камайтиришга эришмоқда.

Хўш, бизга яқин қўшни бўлган Қирғизистоннинг уч йиллик иттифоққа аъзолигига қандай баҳо бериш мумкин? Қирғизистонликлар Россия ва Қозоғистонда вақтинчалик меҳнат фаолиятини иттифоққа аъзоликдан келиб чиқадиган имтиёзларга таяниб амалга ошириш ҳисобидан муайян фойда кўрмоқда. Бир жиҳатга эътибор қаратмоқчиман: Қирғизистон худди Тожикистон каби улкан энергетик потенциалга эга. Гап шундаки, Тожикистон иттифоққа аъзо бўлмасдан туриб ҳам, мавжуд энергия потенциалини рўёбга чиқаришда реал натижаларга эришди, аммо Қирғизистон тўғрисида бундай хулосага келиш қийин. Шуни инобатга олиб, Қирғизистон аста-секинлик билан бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйишни бошлади. Мисол учун, Туркия билан ўзаро савдони кенгайтириш ҳисобидан ҳозирги 340 миллион доллар ташқи савдо кўрсаткичини 1 миллиард долларга етказишни режалаштирмоқда. Аслини олганда, Марказий Осиё давлатлари орасида ЕОИИга аъзоликка биринчи даъвогар Тожикистон ҳисобланади. Бунга Россия билан ўрнатилган ҳарбий соҳадаги узоқ муддатли ҳамкорлик, кенг кўламли меҳнат миграцияси, афғон омилини асос қилиб кўрсатиш мумкин. Лекин негадир ҳозирга қадар Тожикистон бундай ҳаракатни бошлагани йўқ. Бунинг бир неча сабаблари бор. Гап шундаки, 2000 йилларнинг бошида Тожикистон энергетик қувватларни Россия ёрдамида ишга туширган, аммо ҳисоблар кўпроқ Россия фойдасига ҳал бўлган. Шуларни инобатга олиб қўшни мамлакатлар, жумладан Тожикистон ва Қирғизистон мамлакатимиз очиқ иқтисодий сиёсат юритишни бошлаганидан самарали фойдаланишни, ўзаро ташқи савдо айланмасини юқори суръатлар билан ривожлантиришни афзал кўрмоқда.

Иттифоққа аъзолар учинчи мамлакатга нисбатан ўзаро келишилган муносабатларни амалга оширишга мажбур. Бу нима дегани? ЕОИИ аъзолари экспорт қилмоқчи бўлган маҳсулотини биринчи навбатда иттифоқ аъзоларига таклиф этишга ёки аксинча, импорт қилмоқчи бўлса, аввал иттифоқ аъзоларидан сотиб олишга мажбур. Бошқа аъзо мамлакатлар рад этгандан кейин, учинчи мамлакатга сотиш ёки сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шу йилдан бошлаб, ЕОИИ аъзолари ягона энергия ва молия бозорини ташкил этишга қўл урмоқчи. Бундан жуда катта имкониятлар вужудга келиши мумкин. Нега деганда Россия ҳозирнинг ўзида, Қирғизистон яқин келажакда Ўзбекистонга керак бўлган электр энергиясини чекланмаган миқдорда етказиб бериши мумкин. Аъзо бўлгандан кейин мамлакат ўзининг узоқ муддатларга белгиланган дастурлардан воз кечишига тўғри келади.

Ўзбекистонни ЕОИИга аъзо бўлиши учун энг катта омил сифатида хизмат қиладиган нарса, бу меҳнат муҳожирлари учун вужудга келадиган муайян енгилликлардир. Гап шундаки, Қирғизистон ва Арманистон фуқаролари Россия Федерациясида меҳнат фаолиятини амалга ошириш пайтида рўйхатдан ўтишдаги сарф-харажатларни тежаши мумкин. Аммо бошқа харажатлар, яъни коммунал, ижара ва тиббий хизмат тўловлари ўзгармаслиги аниқ.

Шундан келиб чиқиб, фақат рўйхатдан ўтишдаги харажатларни тежаш ҳисобидан келиб чиқадиган имтиёзлар Ўзбекистонни ЕОИИга аъзо бўлиб киришига асос бўла олмайди. Россиядаги демографик ҳолат ташқи ишчи кучига бўлган талабни яна ҳам ошишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун мамлакатнинг янги ҳукумати яқин йилларда Ўзбекистон фуқаролари учун тегишли шароит яратиб беришга мажбур бўлади.

Мамлакатимиз МДҲга аъзолар билан эркин савдо зоналари тузиш орқали яхши натижаларга эришмоқда. Ташқи савдо ҳамкорлари ичида Россия иккинчи (6,6 миллиард доллар ёки 15,7 фоиз), Қозоғистон учинчи (3,3 миллиард доллар ёки 8 фоиз) ва Қирғизистон еттинчи ўринни эгаллайди (829 миллион доллар ёки 2 фоиз). Ижтимоий тармоқларда агар Ўзбекистон ЕОИИга аъзо бўлса, Россияда ишлаб чиқариладиган товарлар ички бозоримизни забт этиши мумкин, деган хавотирлар кўп учрамоқда. Аммо вазиятга реал қарасак, бундай хавотирга ўрин йўқлигини кўриш мумкин. Гап шундаки, мамлакатимизда 2017 йилнинг сентябридан бошлаб валюта сиёсати либераллаштирилган, яъни хоҳлаган тадбиркор ушбу имкониятдан фойдаланиб, Россиядан истаган товарини импорт қилиш имкониятига эга. Аммо, ташқи савдо фаолияти кенгайгани билан мамлакатимиз савдо пештахталарини Россияда ишлаб чиқарилган товарлар босиб олган, деб бўлмайди. Гап шундаки, Россиянинг истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган корхоналари нотўғри амалга оширилган хусусийлаштириш натижасида узоқ йиллардан бери фаолият кўрсатмай келмоқда.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, ҳар қандай интеграцион бирлашмага аъзолик қилиш дунё иқтисодиётида барқарорлик ҳукмронлик қилаётган шароитда самара бериши мумкин. Агар мавжуд ҳолат ёмонлашса, ҳар бир иттифоқ аъзоси кўрпани ўз томонига тортишни бошлайди. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатлар ўртасида савдо ва валюта "урушлари" авж олмоқда ва бундай шароитда ҳар бир мамлакат мустақил тарзда ўз иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга интилади.

Шулардан келиб чиқиб, ҳозирги шароитда биз учун халқаро иқтисодий ҳамкорликнинг энг қулай йўли, бу МДҲ давлатлари билан эркин савдо зоналари ташкил этишни давом эттириш, иқтисодиётимизни Халқаро Савдо Ташкилоти тамойилларига мослаштиришни жадаллаштиришдир.

Ўктам ХУДОЙБЕРДИЕВ ёзиб олди.

Симларга уянган имёғоч

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Қишлоқ оралаб, ҳақиқатан ҳам йўллар ва симёғочлар оғир аҳволда эканлигига гувоҳ бўлдик. Бу ердаги аҳволни ўрганиб, туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Ҳусан Ҳамроев билан учрашдик.

- Бешбола маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Мингбулоқ қишлоғи фуқаролари йўл ва симёғочлар масаласида бизга ҳам мурожаат қилганди, - деди Ҳ.Ҳамроев. - Уларнинг мурожаати туман ҳокимлиги саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари комплекси ходимлари томонидан ўрганилди. Маҳалла маркази - Бешбола қишлоғи 2019 йилда "Обод қишлоқ" дастурига киритилган бўлиб, режага мувофиқ 1 километр пиёдалар йўлаги таъмирланиши, 3 километр янги ичимлик сув тармоғи барпо этилиши, 1 та сув иншооти қурилиши белгиланганди. Бундан ташқари, аввалдан мавжуд бўлган 2 та трансформаторнинг мукаммал таъмирланиши, 6 та бозор инфратузилма объектлари барпо этилиши, 3 та ижтимоий соҳа объектлари қурилиши ҳам кўзда тутилган эди. 2019 йил якунлари бўйича дастурда назарда тутилган ишлар тўлиқ якунига етказилган. Фуқаролар бир жиҳатни инобатга олишлари ва тушунишларини истардик. "Обод қишлоқ" дастурига бутун маҳалла эмас, фақат Бешбола қишлоғи киритилган. Мингбулоқ қишлоғининг ички йўлларини таъмирлаш ва симёғочларни янгилаш қўшимча тарзда, ички имкониятдан келиб чиқиб, босқичма-босқич амалга оширилади. Қишлоқ фуқароларини қийнаб келаётган энг асосий муаммолардан бири бўлган, 500 метрга яқин оғир аҳволдаги йўлни яхшилаш масаласига келсак, 200 метрдан зиёдроғи катта ариқ ва сув хўжалигига қарашли бўлган зовур ўртасидан ўтган. Яна бир жиҳат шу йўлдан ўтиб борган ҳудудда қурилган уй-жойлар қонунийми, эгалик ҳуқуқлари бўйича ҳужжатлари мавжудми? Айни пайтда ана шу масалаларда ўрганишлар олиб боряпмиз. Биз уларнинг йўл бўйича муаммосини шу йилнинг 1 апрелигача ҳал этамиз. Аммо симёғочларни алмаштириш масаласида ваъда бермайман. Сабаби туманимизда бу қишлоқдагидан ҳам оғир аҳволдаги симёғочларимиз бор. Аввало, асосий катта кучланишли электр тармоқлари тортилган эски устунлар ўрнига янгиларини ўрнатмасдан, чекка қишлоқлардаги симёғочларни алмаштириш муаммоли масала.

Тўғри-да, ҳоким ўринбосарининг гапида жон бор. Аммо ўйлаб қолсан, киши! Туманда Мингбулоқдаги биз гувоҳи бўлган, фуқаролар томонидан бир дарахтга сим билан тортиб боғланган, шу йўл билан қулаб кетишининг олди олиниб турган чириган симёғочдан ҳам баттарлари бўлса, уларнинг аҳволи қандай экан-а? Бу ҳолатлар ҳаёт учун жуда хавфли эмасми? Ҳ.Ҳамроев айтган "ички имкониятдан келиб чиқиб, босқичма-босқич амалга оширилади ишлар" Мингбулоққа қачон етиб боради? Симёғочлар қулаб бир фалокат юз бермасдан олдин ўша кунлар келармикан-а?!

Тўлқин СИДДИҚОВ.

Хотира

Солехон Носиров ибрати

Инсон ҳуснини безовчи сифатлар унинг қанчалик умр кўргани билан эмас, балки ҳаётда қандай из қолдиргани билан белгиланади. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлаётган Солехон Носиров ҳам ана шундай фазилатга эга инсонлар сирасига киради. У ўзининг бутун меҳнати ва фаолиятини аҳолига беминнат хизмат кўрсатиб уларнинг олқишини олишга, касбидан, бажараётган аъмолларидан баҳра олишга интилиб яшади.

Солехон Носиров 1958 йилда Самарқанд туманидаги «Рустам» қишлоғида туғилган эди. Оилада еттинчи фарзанд бўлган Солехон ёшлигидан ўқишга меҳр қўйди. Шу боис у мактабда ҳам, кейинчалик Самарқанддаги собиқ кооператив техникумида таҳсил олаётган пайтида ҳам ўз орзуига собит турди. Яхши ўқиб, устозларининг меҳрини қозонди.

Йигитлик бурчини адо этиб қайтган С.Носиров меҳнат фаолиятини туман кооператив савдо идорасида ҳисобчиликдан бошлади ва бу ерда тажрибали ҳамкасбларидан, хусусан, Тамара Салоҳиддиновадан иш юритиш сир-синоатларини ўрганди. Бухгалтерия ҳисобидан етарли даражада сабоқ олган Солехон Носиров кейинчалик туман умумий овқатланиш корхонасида ҳисобчи, сал вақтдан кейин эса бош ҳисобчи сифатида самарали хизмат қилди.

- Ҳисобчилик фақат чўтни қоқиб кунни кеч қилиш эмас, балки шу рақамлар ортида аҳолига кўрсатилаётган хизмат маданиятини яхшилаш, янги-янги шохобчалар қуриш, хўрандаларни хилма-хил миллий таомлар билан хурсанд қилиш заҳмати ётади, – дер эди Солехон Носиров. – Бундай муваффақиятга эришишнинг бирдан-бир йўли касбига садоқат, хўрандаларга ҳурмат ва ҳалол-покиза ишлашдир.

Солехон ака бир умр ана шу ақидага содиқ қолиб, меҳр билан хизмат қилди. У 1996 йилдан умрининг охиригача (2019 йилгача) яхши инсонларнинг тавсияси билан туман умумий овқатланиш корхонасига директорлик қилар экан тармоқни кенгайтириш, айниқса, хизмат маданиятини янада яхшилашга эътибор қаратди. Шунингдек, устозлик мақомини аъло даражада бажариб, кўплаб шогирдларни тарбиялади.

Шахсан мен бу олийжаноб, қалби дарё инсон билан қарийб қирқ йил бирга ишлаганман. Солехон ака билан бир марта ўтириб гаплашган одам суҳбатига тўймас эди. Ниҳоятда доно, оқил киши эди. Унинг панд-насиҳатларидан баҳраманд бўлганлигимдан фахрланиб юраман. Маҳалла-кўйда ўз ўрнига эга бу инсон тўй-маъракаларни намунали ўтказиш, айниқса, ёшлар тарбиясига доимо эътибор қаратиб ўзининг маслаҳатларини бериб турар эди.

Оилада меҳрибон ота сифатида уч нафар фарзандни муносиб тарбиялаб вояга етказди. Ўн нафар суюкли набираларнинг ардоқли ва севимли бобожони эди. Начора, ҳаётдан эрта кетиб, ўзидан яхши ном қолдирган Солехон Носировнинг ҳаёти ва фаолияти биз учун ҳам ибрат мактабидир.

Илҳом МУЗАФФАРОВ.

Тиббий кўрикда ўнлаб фуқароларда ўсма касаллиги аниқланди

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалининг бир гуруҳ мутахассислари томонидан Пайариқ тумани аҳолиси учун чуқурлаштирилган скрининг кўриги ўтказилди.

- Белимда безга ўхшаган бир нарса пайдо бўлди,- дейди 76 ёшли онахон Оймўнти Кўбаева.- Самарқандга ана бораман, мана бораман деб юрувдим. Кеча туманимизга шаҳардан мутахассислар келаяпти деб эшитиб қолдим. Эрта тонгдан кўрикка шошилдим. Шифокорлар чап курак соҳасида липома деб ташхис қўйишди. Керакли дори-дармонларни ёзиб беришди. Энди кўнглим бироз жойига тушгандай бўлди.

- Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, онкологик касалликларнинг келиб чиқишига, аввало, аҳолининг яшаш тарзи ўзгараётгани, тиббий саводхонликнинг етарли эмаслиги ҳамда салбий одатлар сабаб бўлмоқда,- дейди онколог Соҳиб Узоқов. - Таркибида инсон соғлиғи учун зарарли моддалар бўлган озиқ-овқат ва ичимликларни истеъмол қилиш, чекиш, жисмоний кам ҳаракатлилик саратонга олиб келиши замонавий илм-фанда тўлиқ тасдиғини топди. Бугунги тиббий кўрикда иштирок этаётганларнинг кўпчилигига назар соладиган бўлсак, соғлом турмуш тарзига риоя қилмаганлигини кузатдим. Кўрик давомида тўрт кишида онкологик касаллик бўйича шубҳа бўлди. Уларга филиалимизга боришларини тавсия қилдик. Яна ўн кишида хавфсиз ўсма касалликлари аниқланди.

Шу куни 117 нафар киши УТТ врачи, маммолог, бир неча турдаги онколог мутахассислар томонидан тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди.

Ҳусниддин ХОЛДОРОВ.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбоп / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: (0366) 233-91-56

ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

АТ Халқ банки Самарқанд вилояти Нуробод филиали биносининг том қисми ва иситиш тизимини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун қурилиш корхоналари ўртасида танлов эълон қилинади.

Объект номланиши: Самарқанд вилояти Нуробод филиали биносининг том қисми ва иситиш тизимини жорий таъмирлаш;

Лойиҳа қиймати: ҚҚС билан: 178 457 742 сўм, ҚҚСсиз: 155 180 645 сўм;

Ишни бажариш муддати: 30 кун;

Молиялаштириш манбаси: Халқ банкнинг ўз маблағлари;

Танлов комиссияси ишчи органи манзили: 140145, Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 147-уй;

Мурожаат учун: Х.Сайидов, телефон: 66-237-86-07;

Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар: Танловда талаб қилинаётган шартлар асосида мазкур ишларни товарларни ишлаб чиқарувчи ва етказиб бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ман этилмаган маҳаллий ва чет эл юридик шахслари иштирок этиши мумкин;

Танлов билан боғлиқ ҳужжатлар: порталга жойлаштирилган (https://exarid.uzex.uz/ru/competitive/lot/9065094);

Таклифларни тақдим қилиш муддатининг охирги санаси ва вақти: 2020 йил 10 февраль куни соат 17:00 гача.

Танлов таклифларини расмийлаштириш бўйича талаблар:

- танлов иштирокчиси биттадан танлов таклифини тақдим қилиши мумкин;

- тижорат таклифи ёпиқ конвертда, елимланган жойлари муҳрланган ҳолда тақдим қилиниши шарт;

- танлов таклифларидаги барча ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида тайёрланган бўлиши лозим;

- танлов таклифлари қабул қилинадиган манзил: 140145, Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 147-уй. Халқ банки Самарқанд вилоят филиали.

Танлов қуйидаги манзилда ўтказилади: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 147-уйда, 2020 йил 12 февраль куни соат 12:00 да.

* * *

АТ Халқ банки Самарқанд вилояти Оқдарё филиали биносининг том қисми ва иситиш тизимини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун қурилиш корхоналари ўртасида танлов эълон қилинади.

Объект номланиши: Самарқанд вилояти Оқдарё филиали биносининг том қисми ва иситиш тизимини жорий таъмирлаш;

Лойиҳа қиймати: ҚҚС билан: 147 457 695 сўм, ҚҚСсиз: 128 224 083 сўм;

Ишни бажариш муддати: 30 кун;

Молиялаштириш манбаси: Халқ банкнинг ўз маблағлари;

Танлов комиссияси ишчи органи манзили: 140145, Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 147-уй;

Мурожаат учун: Х.Сайидов, телефон: 66-237-86-07;

Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар: Танловда талаб қилинаётган шартлар асосида мазкур ишларни товарларни ишлаб чиқарувчи ва етказиб бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ман этилмаган маҳаллий ва чет эл юридик шахслари иштирок этиши мумкин;

Танлов билан боғлиқ ҳужжатлар: порталга жойлаштирилган (https://exarid.uzex.uz/ru/competitive/lot/9065096);

Таклифларни тақдим қилиш муддатининг охирги санаси ва вақти: 2020 йил 10 февраль куни соат 17:00 гача.

Танлов таклифларини расмийлаштириш бўйича талаблар:

- танлов иштирокчиси биттадан танлов таклифини тақдим қилиши мумкин;

- тижорат таклифи ёпиқ конвертда, елимланган жойлари муҳрланган ҳолда тақдим қилиниши шарт;

- танлов таклифларидаги барча ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида тайёрланган бўлиши лозим;

- танлов таклифлари қабул қилинадиган манзил: 140145, Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 147-уй. Халқ банки Самарқанд вилоят филиали.

Танлов қуйидаги манзилда ўтказилади: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 147-уйда, 2020 йил 12 февраль куни соат 12:20 да.

* * *

АТ Халқ банки Самарқанд вилояти Қўшработ филиали биносининг том қисми ва иситиш тизимини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун қурилиш корхоналари ўртасида танлов эълон қилинади.

Объект номланиши: Самарқанд вилояти Қўшработ филиали биносининг том қисми ва иситиш тизимини жорий таъмирлаш;

Лойиҳа қиймати: ҚҚС билан: 69 624 310 сўм, ҚҚСсиз: 60 542 879 сўм;

Ишни бажариш муддати: 30 кун;

Молиялаштириш манбаси: Халқ банкнинг ўз маблағлари;

Танлов комиссияси ишчи органи манзили: 140145, Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 147-уй;

Мурожаат учун: Х.Сайидов, телефон: 66-237-86-07;

Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар: Танловда талаб қилинаётган шартлар асосида мазкур ишларни товарларни ишлаб чиқарувчи ва етказиб бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ман этилмаган маҳаллий ва чет эл юридик шахслари иштирок этиши мумкин;

Танлов билан боғлиқ ҳужжатлар: порталга жойлаштирилган (https://exarid.uzex.uz/ru/competitive/lot/9065097);

Таклифларни тақдим қилиш муддатининг охирги санаси ва вақти: 2020 йил 10 февраль куни соат 17:00 гача.

Танлов таклифларини расмийлаштириш бўйича талаблар:

- танлов иштирокчиси биттадан танлов таклифини тақдим қилиши мумкин;

- тижорат таклифи ёпиқ конвертда, елимланган жойлари муҳрланган ҳолда тақдим қилиниши шарт;

- танлов таклифларидаги барча ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида тайёрланган бўлиши лозим;

- танлов таклифлари қабул қилинадиган манзил: 140145, Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 147-уй. Халқ банки Самарқанд вилоят филиали.

Танлов қуйидаги манзилда ўтказилади: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 147-уйда, 2020 йил 12 февраль куни соат 12:40 да.

* * *

АТ Халқ банки Самарқанд вилояти Тойлоқ филиалига трансформатор подстанциясини ўрнатиш ишларини бажариш учун корхоналари ўртасида танлов эълон қилинади.

Объект номланиши: Самарқанд вилояти Тойлоқ филиалига трансформатор подстанциясини ўрнатиш;

Лойиҳа қиймати: ҚҚС билан: 15 974 071 сўм, ҚҚСсиз: 13 890 496 сўм;

Ишни бажариш муддати: 30 кун;

Молиялаштириш манбаси: Халқ банкнинг ўз маблағлари;

Танлов комиссияси ишчи органи манзили: 140145, Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 147-уй;

Мурожаат учун: Х.Сайидов, телефон: 66-237-86-07;

Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар: Танловда талаб қилинаётган шартлар асосида мазкур ишларни товарларни ишлаб чиқарувчи ва етказиб бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ман этилмаган маҳаллий ва чет эл юридик шахслари иштирок этиши мумкин;

Танлов билан боғлиқ ҳужжатлар: порталга жойлаштирилган (https://exarid.uzex.uz/ru/competitive/lot/9065099);

Таклифларни тақдим қилиш муддатининг охирги санаси ва вақти: 2020 йил 10 февраль куни соат 17:00 гача.

Танлов таклифларини расмийлаштириш бўйича талаблар:

- танлов иштирокчиси биттадан танлов таклифини тақдим қилиши мумкин;

- тижорат таклифи ёпиқ конвертда, елимланган жойлари муҳрланган ҳолда тақдим қилиниши шарт;

- танлов таклифларидаги барча ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида таёрланган бўлиши лозим;

- танлов таклифлари қабул қилинадиган манзил: 140145, Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 147-уй. Халқ банки Самарқанд вилоят филиали.

Танлов қуйидаги манзилда ўтказилади: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 147-уйда, 2020 йил 12 февраль куни соат 12:50 да.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳридаги «TURSUPULOT-SAVDO» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 546234374) ўз номини «JON PULAT SAVDO» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирмоқда. «JON PULAT SAVDO» масъулияти чекланган жамияти «TURSUPULOT-SAVDO» масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Имом Ал-Бухорий кўчаси, 27-"А" уй.

* * *

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2018 йил 25 апрелда 603487 реестр рақами билан рўйхатга олинган "SAM PERSPEKTIV STROY" масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: "SAM PERSPEKTIV STROY" МЧЖ) жамият таъсисчиларининг 2020 йил 5 февралдаги 1-сонли умумий йиғилиш қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Али Қушчи кўчаси, 37-«Б» уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 305509326.

* * *

Самарқанд шаҳар «Ягона дарча» марказидан 2017 йил 8 февралда 15223 реестр рақами билан рўйхатга олинган "ILMIR KOMFORT" масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: "ILMIR KOMFORT" МЧЖ) жамият таъсисчиларининг 2020 йил 5 февралдаги 1-сонли умумий йиғилиш қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Уста Умар Жўрақулов кўчаси, 168-«А» уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 301948511.

* * *

Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Рузиев Уракга (2001 йил 24 апрелда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.

* * *

Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Ҳакимова Зайнабга (1997 йил 13 октябрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.

* * *

Пайариқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Исламова Шоира Муратовнага (2018 йил 6 ноябрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Пайариқ туман 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси Истиқлол кўчаси, 73-уй.

* * *

Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Ахмедова Шарофат Баратовнага (2019 йил 14 июнда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.

* * *

Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Гулямов Ҳалимга (2008 йил 4 июлда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Жомбой туманидаги Уринов Расул Абдуалимович якка тартибдаги тадбиркорининг (СТИР: 602713945) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 41-умумий ўрта таълим мактабидан 2008 йилда Зиядуллаев Азизбек Собир ўғли номига берилган U № 0157937 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Юлдашев Алимардон Алишерович номига берилган UM № 0152813 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат университетидан 2005 йилда Каримов Шамшод Рахмонбердиевич номига берилган рўйхат рақами 680, В № 208769 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат университетидан 2004 йилда Абдурахманова Нилуфар Дилшодовна номига берилган рўйхат рақами 1800, В № 148478 рақамли дипломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Оқдарё туманидаги 2-ўрта мактабдан 1995 йилда Ахматов Обиджон Нематович номига берилган АО № 120920 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут иқтисодиёт коллежидан 2008 йилда Набиев Фаррух Абдукаримович номига берилган рўйхат рақами 1321, К № 661928 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежидан 2017 йилда Давидова Алфира Расимовна номига берилган К № 4674627 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги "Мухтор нур транс-сервис" масъулияти чекланган жамиятига тегишли давлат рақами 30 022 ТТЕ бўлган «Нексия» русумли автомашинасига берилган «PHOENIX-900» таксометрининг техник паспорти ва Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекциясидан берилган рўйхатдан ўтказиш варақаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН, ДЕБ ҲИСОБЛАНАДИ

Самарқанд вилоят транспорт бошқармасидан Ургут туманидаги «URGUT FAROVON TRANS» масъулияти чекланган жамиятига қарашли давлат рақами 30 К 603 RA бўлган «ГАЗ-33020» русумли автомашина учун 2019 йил 10 декабрдан 2020 йил 30 ноябргача муддатга берилган АТ 2642094 рақамли лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли ўз кучини йўқотган, деб ҳисобланади.

* * *

ТОПГАНГА МУКОФОТ!

Латипов Сами Исомовичнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси талони Самарқанд шаҳри ҳудудида тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатни топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.

Телефон: +99897-394-00-57.

* * *

Самарқанд туманидаги "SAMEJON AGRO FAYZ HOSIL" фермер хўжалигининг (СТИР: 304067783) 2016 йил июн ойидан 2019 йил охиригача бўлган бухгалтерия ҳужжатлари Самарқанд туман ҳудудида тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатларни топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.

Телефон: +99890-250-04-29.

Самарқанд вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда барча тармоқ касаба уюшма кенгашларининг жамоалари бирлашма кенгаши бош мутахассиси Рамазон Асқаровга катта онаси

Мушаррам ҚОРАБОЕВАнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Самарқанд давлат тиббиёт институти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси институт 1-сон педиатрия кафедраси профессори Ҳабибулла Ҳамроевга акаси

ИБРОҲИМ отанинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ДИЛГА ОШНО БИТИКЛАР

“Рост” мақоми тасаввуфда тариқат йўлини рамз этади

Навоий мусиқий бадиият тўғрисида билдирган фикрлар Шарқ мусиқа маданиятининг асоси, қолаверса, маънавиятимизнинг хазинаси ҳисобланади.

Манбалардан маълумки, ўрта асрларда Шарқ мусиқашунослиги асосан араб тилида шаклланган. Улар буюк алломаларимиз – Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, ибн Зайла, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Сафиуддин ал Урмавий, Нажмиддин Кавкабий кабиларнинг асарларида тартибга солинди. Ушбу алломалар ва юнон мутафаккирлари ҳисобланган Пифагор, Арасту, Суқрот, Афлотунларнинг илмий-фалсафий мероси Навоий ижодида ҳам чуқур из қолдирган.

Буюк бобомиз ўз замонасининг мусиқа амалиётини қиёсий ўрганишга ҳаракат қилди ва уни икки қисмга бўлди. Булар “илми таълиф” (мусиқий товушлар-нағмаларни ўрганувчи фан) ва “илми иқоъ” (мусиқий ритм, шартли равишда мусиқий вазнларни ўрганувчи фан) қисмларидир.

Ҳамид Сулаймон номидаги қўлёзмалар институти кутубхонасида шарқ ва ғарб мамлакатларида машҳур олим Сафиуддин ал-Урмавий (XIII аср)нинг шоҳ асари “Китобул адвор” рисоласининг 1466 йил Ҳиротда кўчирилган нодир нусхаси сақланмоқда. Навоий Урмавийнинг бу асари билан яқиндан таниш бўлган. Эҳтимол, Тошкентда сақланаётган нусха ҳам унинг хоҳишига биноан кўчирилган. Чунки тарихий манбаларда Абдураҳмон Жомий, Мавлоно Биноий, Зайнулобиддин Ҳусайнийнинг мусиқий рисолалари бевосита Навоийнинг буюртмаси асосида ёзилганлиги келтирилган.

Умуман, манбаларда Навоий шеъриятдан сўнг мусиқа ва илмий мусиқада ўз даврининг тенгсиз бир сиймоси эканлиги ҳам таъкидланади.

“БОБУРНОМА”ДА НАВОИЙ ХУСУСИДА:

“Яна мусиқий яхши нағмалар боғлабдур, яхши нақшлари ва яхши пешравлари бордир...”, дейилади.

Абдурауф Фитрат “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” рисоласида “..Навоийнинг ўзи ҳам мусиқийда бир рисола ёзган... “Қари Наво” ёки “Қари Навоий” куйи ҳақида ҳар томонлама сўйланиб турур. Бухоронинг эски мусиқашунослари орасида бу куйнинг Навоий асари бўлгони сўйланадур”, дейди.

Алишер Навоий кўпгина назмларида ҳозирги кунгача етук ҳофизлар томонидан куйланиб келинаётган мумтоз мақом намуналари ва чолғуларининг номларини учратишимиз мумкин. Шу маънода қуйидаги байтларга эътибор қаратайлик:

Қадди ҳажрингда тортсанг нола,
“Рост” оҳанги эй Навоий туз.
(“Бадоеъ ул бидоя” девонидан)

Маъноси:
Ҳижрон азобида нола тортсанг,
Эй Навоий “Рост” мақомин оҳангини туз.

Ёки: *Сўзда Навоий не десанг, чин дегил,*
“Рост” наво нағмага таҳсин дегил.

Навоийнинг ушбу сатрларига изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак. Унинг “Рост” мақомига бу тарзда мурожаат қилишида рамзий маъно бор. Чунки машҳур ўн икки мақомдан бирининг номи бўлган ушбу атама тасаввуфда тариқат йўлини рамз этади.

Алишер Навоий мусиқий дунёсини улкан бир уммон билан қиёслашга ҳақлимиз. Маънавиятимизнинг бойлиги бўлган бу уммондан авлодларни баҳраманд қилиш ва улуғ бобомизнинг мусиқий ижодиётини илмий нуқтаи-назардан ўрганиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Нарзулла ТОШТЕМИРОВ,
санъатшунослик фанлари номзоди, доцент.

Ноширнинг | ДИЛ | дафтари

Қуш тилини қуш билар, деган нақл замирида улкан маъно мужассам. Инсон қай бир соҳада узоқ йиллар фаолият кўрсатса у ўша чаманзорнинг бамисоли булбулига айланади. Таниқли адиб ва ношир Бахтиёр Омон йигирма йиллар давомида Ғафур Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриётида бўлим мудири, «Абдулла Қодирий номли халқ мероси», “Ўзбекистон” нашриётларида бош муҳаррир, Абу Али ибн Сино номли нашриётда директор, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида бошқарма бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатган.

Ўша кезлар ўнлаб адибу шоирларнинг кўплаб асарларини нашр этиш баробарида ўзи ҳам самарали ижод қилган. Унинг “Юрак оғриқлари”, “Умр дафтари”, “Сиёсий етакчининг нотиқлик маҳорати”, “Нотиқнинг нуфузи”, “Бобурнинг болалиги”, “Имконларим” каби китобларини мухлислари катта қизиқиш билан мутолаа қилган. Таржимон сифатида Лев Толстойнинг “Акула” (1987, 2004), Шамсиддин Дунасарийнинг “Одамни билиш илми” (1994, 2015), Лао Шэнинг “Бева аёл қиссаси” (1994), “Мушуклар салтанати” (1996) асарларини маҳорат билан ўзбек тилига ўгирган.

Қалам тебратиш, асар ёзиш машаққатини бошидан кечирган ижодкор ўзга ёзувчи-шоирларни қандоқ қадрлашни яхши билади. Бахтиёр Омоннинг “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан чоп этилган “Ношир дафтари” китобини варақлаётиб шууримдан шундай ўйлар кечди.

Биринчи таассурот шуки, бу китобни ўқиган сари пойтахт шаҳримизнинг Навоий кўчаси, 30-ўйда жойлашган нашриётларда йиллар давомида умид билан юрган ижодкорлар оёқ товушларидан тортиб дилтортар гурунгларигача яна бир бора қулоғингизга чалингандек бўлади.

Муаллиф мамлакат илм-фани, адабиётига муносиб улушини қўшиб, нафақат яхши одамлар, бутун элимизнинг ардоғида бўлган ажойиб феъллли, иймонли, касбига садоқатли инсонлар хизматларини таҳлилу эътироф этган. Уларнинг нозик характери, илмий ва ижодий салоҳиятини қоғозга туширади. Академик Бўрибой Аҳмедовнинг уруш жанггоҳларини босиб ўтгани, баданида қанд касали бўлса-да, чарчашни билмай ёзавергани, Қодир Мирмуҳамедовнинг қанчалик билимдонлиги, таржимонлик маҳорати, Эркин Бойсиновнинг ноширликка ўнлаб шогирдларни тайёрлаб, иқтисодий бақувват нашриётни шакллантира олгани, Нормурод Нарзуллаевнинг шоирлик ва инсонийлик хислатлари қўшилиб, давраларга дилкашлик бағишлагани, Иноятилла Сувонқуловнинг олимлик бардоши, сабр-қаноати, кўҳна пойтахтнинг тарихий кўчалари номини тиклагани, Ҳожиқул Худойқуловнинг янги ташкил этилган Навоий вилоятининг раҳбарларидан бири сифатида қилган камтарона хизматлари-ю, шоиру адибларга меҳр-садоқатини самимият билан тасвирлайди.

Муаллиф бир вақтлар доврўг таратган сиймоларнинг ажиб “сир”ларига ошно этади. Шу билан бирга ўша давр шукуҳини қалбимизга олиб киради. Машҳур шоир Муҳаммад Юсуф билан нашриётнинг 13-рақамли хонасида ёнма-ён ишлагани ҳақида ҳикоя қилиб, “сохталик, жимжимадорликни жини суймаслиги, бундайларни кўрганда асаби титраши, агарда шунақа одам учраса, дарҳол даврани тарк этиши, характери оғир, юрагида ўзи айтганидек, йўлбарс йиғлагудек алфозда “руҳий камсуқумлик” зоҳир эканлиги”ни тасвирлайди.

Болалик, ёшлик йилларида ўзига таълим-тарбия берган устозлари ҳақида сўз юритган муаллиф уларнинг ибратли фазилатлари ҳақида теран нигоҳ ила ёзади. “Мактаб директори” бадиасида Нуротадаги бир асрни қоралаган 1-сонли мактабни ўттиз йил бошқарган фидойи, покдомон шахс Баҳриддин Рустамов, ташқи қиёфаси ва руҳий олами алломаларга ўхшаган профессор Ғайбулла Саломов, юртимизда тасаввуф мактабини очган авлиёмонанд Нажмиддин Комиловнинг тарбия ва маънавият бобидаги буюк хизматларини ҳурмат-эҳтиром ила тилга олади.

Китобнинг “Устозларга эргашиб...” деб номланган иккинчи бобида собиқ халқ таълими вазири муовини, кўплаб муаллимлар устози 97 ёшли Насриддин Раҳмонов (“Таълим фидойиси”), жамоат арбоби ва етук ношир Дилбар Икромова (“Дилбар аёл”), композицион материаллар мактаби асосчиси, бағрикенг раҳбар, академик Сойибжон Неъматов (“Ибрат йўли”), ҳассос шоир Омон Матжон (“Кубронинг юртдоши”), йирик олим, профессор Садулла Отамуродов (“Миллатга қайғурадиган олим”) ҳақидаги бадиаларни, таниқли шоир Абдували Қутбиддин ҳаёт ва ижод йўлига бағишланган “Баҳор ёмғири куйчиси” эссени мутолаа қилган китобхон шу сиймолар билан яна бир бора дийдорлашгандек ҳис этади ўзини.

Қуйидаги дилга ошно битикларни мутолаа қилар экансиз, бир дафъа ўша кунлар, ажиб воқеларга ошно бўлгандек ҳис этасиз ўзингизни:

“Хоналар ва йўлакларда гапга чечан Саид Аҳмад, мулоҳазали Иброҳим Ғафуров, жайдари Тўра Сулаймон, камтарин Маъруф Жалил, оловқалб Усмон Азим, файласуф Шароф Бошбеков, интеллигент Ўткир Ҳошимов, чапани Турсунбой Адашбоев, воиз Турсуной Содиқоваларни учратиб, савол-жавоб қилганимизда, беихтиёр, дилларимиз яйраб кетарди. Қанийди, бу сониялар узоқ-узоқ давом этса дердик. Жамоамизда ишламайдиган ижодкорлар кўпинча ўзлари соғинган яқин дўстларининг олдига келиб туришарди. Масалан, Ўткир Ҳошимов таржимон Нажмиддин Комиловни, Турсунбой Адашбоев адиб Носир Фозиловни, Турсуной Содиқова таржимон дугоналари Холида Мансурова, Ҳикоят Маҳмудова, Тўра Сулаймон, юртдоши шоир Жонибек Субҳон, Чўлпон Эргаш, шоир Шавкат Раҳмонни йўқлашар эди. Кузатишимча, Тоғай Мурод ва Тоҳир Маликларгина ойда ё йилда бир кўриниб қолишарди”.

Бу аслида бугунги ижодкору ноширлар учун ибрат мактаби. Йиллар ўтиб, бугунги ёш замондошлар ҳақида ҳам шундай хотиралар ёзилармикин? Муаллифнинг муддаоси шунда ойдинлашгандек бўлади; ҳаёт карвонлари шу зайлда давом этмоғи учун ёшларни шундоқ ибратли воқеликлардан бохабар қилиб бормоғимиз жоиз.

Китоб халқона ибораларга бой, ширали, мантиқли, турфа воқеаларга бой. Муаллиф хотираларини борича ёзади, бўяб-бежамайди, қисқа-лўнда жумлалар орқали кимнинг кимлигини тасвирлайди-қўяди. Қайси идорада ва қандай мартабани эгаллаганидан қатъи назар, зиммасидаги вазифани тўғри ва ҳалол адо этиш руҳида яшаганини, айни чоқда банда хатолардан холи эмаслигини зинҳор унутмаганини, нима бўлган тақдирда ҳам ҳаётнинг оғир синовларига бардошли бўлиш муҳимлигини ёрқин бўёқларда ифода этади.

Тўлқин ЭШБЕК,
филология фанлари номзоди, доцент, “Дўстлик” ордени соҳиби.

ҚОҒОЗни яхши кўраман

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ҳозир бирор бир тадбирдан фотосурат сўрасангиз ҳам аҳвол шу. Интернетдан бир дунё сурат ташлаб қўя қолади. Илгари-чи? Эҳ, қанақанги альбомлар тайёрлатардик-а!? Танловга айланиб кетарди бу альбомлар. Бир-иккитаси чиройли тайёрлаб келганини айтсак борми, кейин кўринг-да “Мен ундан камми?” деб олиб келган альбомларини. Кўпи бир марта ҳам очилмай қолиб кетарди-ю, лекин топшириққа муносабат бошқача эди, ҳурматимизни жойига қўйишарди. Эҳ, бунинг гашти бошқачалигини ишлаб кўрганлар билади-да. Ҳозир-чи, на бировни уриша оласиз, на қаттиқ гапириб бўлади.

Кеча бир ташкилот ходимига қўнғироқ қилиб, “Нега ойлик ҳисоботни вақтида топширмадингиз” десам, “Ака, кеча телеграмингизга ташлаб қўйгандим, кўрмадингиз ўзингиз” дейди. Мен кўрмаганимни ҳам билади-ей. Шу гапдан кейин индамай қўйдингизми, дейсизми? Қаёқда?! Ташлаган экансан, шуни бир оғиз телефон қилиб айтиб қўйсанг асаканг кетадими, деб барибир уришдим. Шундай қилмасангиз ҳурматингиз қолмайди-да.

Ҳужжатларку майли, кўникиб қолдик. Ҳозир шикоят, аризани ҳам интернетдан жўнатишаётгани алам қилади-да. Аввалари қоғоз шаклида келгани анча қулай эди. Мен вақтида олмадим, десангиз ҳам ёки бир неча кун аввалги санани қўйиб аризани ёпсангиз ҳам биров билмасди. Айрим хатлар, аризаларни йўқотиб юборсангиз жуда тиқилинч қилиб сўраб ўтиришмасди.

Энди бунақа гаплар ўтмаяпти. Электрон шаклда келган мурожаатнинг вақти ҳам аниқ-тиниқ кўриниб турар экан, айтилган вақтда ёпмай кўринг-чи, кўрадигангизни кўрасиз. Шикоятчи ҳам келиб, дардини айтмайди. Яна интернетдан ёзади – бизнинг масаламиз нима бўляпти, қачон жавоб ёзасиз, фалон кун қолди жавоб беришингизга, деб шарт қўяди.

Ҳа, айтганча, сизга кеча юборган хатим бор-ку, ўшанинг жавобини бугун беринг. Қоғоз вариантини ҳам юборинг, иложи бўлса, суратлари билан. Йўқ-йўқ, ҳисобот учун эмас, ўзим учун. Эшигимдан биров қоғоз кўтариб келса, яхши-да. Сиз ўзимизнинг одам бўлганингиз учун айтдим, ҳар хил хаёлга бориб юрманг, тағин. Бизнинг қоғозбозликка қаршимиз, электрон ҳужжат айланишини маъқуллаймиз...

Қоғозбоз масъулнинг сўзларини Ғолиб ҲАСАНОВ компьютерга тушириди.

Ўқитувчиман. Паст Дарғом туманидаги 72-умумий ўрта таълим мактабида тарих фанидан дарс бераман. Яқинда 7-синф ўқувчиларига «Ўзбекистон тарихи» фанидан диний билимларнинг ривожланиши мавзусини тушунтириб, унда келтирилган Имом Бухорийнинг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” китобида ҳадислар сони 7275 та эканини айтдим. Эртаси куни ўқувчиларимдан бири 5-синфнинг “Адабиёт” дарслигини олиб келиб, унда “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” китобида ҳадислар сони кўпроқ келтирилганлигини кўрсатди.

Дарсликлардаги хатоликни ким тўғрилайди?

Bularning samarasi sifatida bizga yigirmadan ko‘proq asar qoldirdi. Buyuk alloma mehnatining naqadar kattaligini tasavvur qilish uchun birgina ma’lumotni keltirish bilan cheklanamiz. U yolg‘iz «Al-jome’ as-sahih» («Ishonchli to‘plam») kitobi ustida 16 yil ishlagan. Unga kiritilgan 7397 hadis 600 ming hadisning ichidan saralab olingan.

Imom al-Buxoriy islom ta’limotiga oid yigirmadan ortiq asarlar yozdi. Uning birgina “*Al-jome’ as-sahih*” asariga 7275 hadis kiritilgan.

«Адабиёт» дарслигини варақлаб, ўқувчим айтган маълумотни ўқидим. Ростдан ҳам дарсликда ушбу китобга 600 минг ҳадисдан 7397 та ҳадис киритилганлиги ҳақида ёзилган экан.

Хўш, қайси маълумот тўғри? Ахир китоб битта-ку! Саволга жавоб топиш учун “Ислом” энциклопедиясини варақладим. Унда “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”дан Имом Бухорий томонидан тўпланган 600 мингга яқин ҳадис орасидан ишончли ҳадислар сифатида танлаб олинган 7275 ҳадис (такрорланадиганлари билан бирга) жой олган”, дейилган. Демак, ҳадисларнинг 7275 талиги тўғри. 5-синф «Адабиёт» дарслигидаги хатоликни ким тўғрилайди?

Хосият КАРИМОВА.

Болалар – саҳнада

Январь ойи - “Тарих ҳамда давлат ва ҳуқуқ асослари фан ойлиги” доирасида Самарқанд туманидаги 47-умумий ўрта таълим мактабида буюк маърифатпарвар адиб Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 145 йиллигига бағишлаб “Туркистон маърифатпарварлари” мавзусида очиқ дарс ўтказилди.

Унда ўқувчилар томонидан мавзуни мустаҳкамлашда адибнинг “Падаркуш“ драмаси асосида кичик саҳнавий кўриниш намойиш этилди.

Сурайё САИДОВА.

Фан ойлиги доирасида Самарқанд шаҳридаги 7-умумий ўрта таълим мактабида ҳам тадбир бўлиб ўтди. Унда болалар саҳнада тарихий асарлардан парчалар намойиш этишди. Бўлиб ўтган очиқ дарсларда улар ҳам тарихни чуқур ўрганиш, ҳам ўз ижрочилик маҳоратини ишга солишди.

Фарида ТЎРАҚУЛОВА,
ўқитувчи.

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

6 февраль

Қудрат СУЮНОВ – (1919-1943) Пахтачи туманида туғилган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Қаҳрамон.

7 февраль

Ойша МАВЛОНОВА – (1922-1991) Қозоғистон Республикасининг Туркистон вилоятида туғилган. Ўзбекистон халқ артисти.

Раҳматулло ҚЎНҒУРОВ – (1933-1994) Фориш туманида туғилган. Филология фанлари доктори.

ТАҲРИРИЯТГА КЕЛГАН БИРОРТА ХАТ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Zarafshon
САМАРКАНДСКИЙ ВЕСТНИК

© МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 14 337 нусхада чоп этилди. Буюртма 90

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета “Зарафшон” таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. “Ношир люкс” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: А.ҲАЙИТОВ.
Навбатчи: Г.МЎМИНОВА.
Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.

Сотувда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X
9 772010 667009